

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>О.Алиев</b>	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи .....	190
<b>К.Пулатов</b>	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар) .....	193
<b>С.Назарова</b>	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули .....	197
<b>Д.Тошпулатова</b>	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши .....	201
<b>И.Жўраев, Ҳ.Жўраев</b>	
Навоний ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси .....	204
<b>А.Акбаров</b>	
Абадиятга дахлдор можаро .....	207
<b>Н.Соатова</b>	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари .....	210
<b>Н.Холматова</b>	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши .....	214
<b>Д.Юлдашева</b>	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида .....	218
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
<b>Ш.Мўминов</b>	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир .....	223
<b>Н.Юлдошева</b>	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
<b>М.Хошимов</b>	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари .....	228
<b>М.Ҳусайнова</b>	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари .....	236
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>	
Илмга бахшида умр .....	239
Библиография .....	242

УДК: 415.5

СОДДА ГАП ҚОЛИПЛАРИ ВОҚЕЛАНИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОРФОЛОГИК ОМИЛЛАР  
ҲАҚИДАО МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРАХ, ВЛИЯЮЩИХ НА ВОЗНИКНОВЕНИЕ ФОРМ ПРОСТОГО  
ПРЕДЛОЖЕНИЯABOUT MORPHOLOGICAL FACTORS INFLUENCING THE ORIGIN OF THE FORMS OF A SIMPLE  
SENTENCEЮлдошева Нилуфар Эргашевна<sup>1</sup><sup>1</sup>Юлдошева Нилуфар Эргашевна

– Қарши давлат университети, ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

## Аннотация

Мақолада ўзбек тилида содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида фикр юритилади. Жумладан, гапнинг энг кичик синтактик қолипи [WP<sub>m</sub>] эканлиги ҳамда унинг ранг-баранг хусусиятлари таҳлилга тортилади.

## Аннотация

В статье рассматриваются морфологические факторы, влияющие на возникновение форм простых предложений в узбекском языке. В частности, анализируется тот факт, что предложение имеет наименьшую синтаксическую модель [WP<sub>m</sub>] с разнообразными особенностями.

## Annotation

The article examines the morphological factors influencing the emergence of forms of simple sentences in the Uzbek language. In particular, it analyzes the fact that the sentence has the smallest syntactic model [WP<sub>m</sub>] and its colorful features.

**Таянч сўз ва иборалар:** тил, тафаккур, мафкура, адабий тил, грамматик қурилиш, содда гап, кесим, синтактик қолип.

**Ключевые слова и выражения:** язык, мышление, идеология, литературный язык, грамматическая структура, простое предложение, сказуемое, синтаксическая модель.

**Key words and expressions:** language, thinking, ideology, literary language, grammatical structure, simple sentence, predicate, syntactic model.

Гап нутқий ҳосила сифатида хилма-хил, чексиз кўринишга эга. Гап нутқда воқеланар экан, унда лисоний ва нолисоний омиллар уйғунлашади. Ва, шу асосда, лисоний системага берилган унсурларнинг “бир хил шакллилиги” тамойили мўътадиллашиб, у “ҳар хил шакллилик” белгисига эга бўлади. Чунки нутқий гапда соф лисоний бирликлар билан бирга, нутқнинг бошқа воситалари нутқ вазияти, сўзловчи ва тингловчининг ёш ва характерхусусияти, коммуникатив мақсади, нутқ шароити каби қатор омиллар гапга “ёпишади” ва яхлитлик касб этади. Яхлитлик эса системадир. Лекин носинтактик ҳодисалар билан қоришган бирлик қанчалик чексиз турланмасин, лисоний сатҳдаги умумийлик барқарор ҳолда сақланган бўлади. Бу умумийлик гапнинг энг кичик синтактик қолипидир. Гапнинг энг кичик синтактик қолипини аниқлаш учун гап носинтактик ҳодисалардан ҳоли қилинади ва фикрни ифодалай оладиган, ҳоким бўлак – кесим вазифасидаги сўз шакли қолади. Айни шу сўз шакли учун [WP<sub>m</sub>] қолипи қабул қилинди ва уни гапнинг энг кичик қурилиш қолипи – лисоний

бирлик ҳар қандай онг бирлиги каби бевосита кузатишда берилмаган, деб таърифланди.

Гапнинг умумий қолипини тиклаш ва шакллантиришда барча атов бирликлари учун умумий бўлган битта хусусият – “аташ маъноси” ва унга кесимлик мақомини берувчи воситалар учун “кесимликни шакллантириш” вазифа ва маъноси олинди. Зеро, бу қолипнинг таркибий қисми бўлган [W] нинг ҳам, [P<sub>m</sub>] нинг ҳам ўзига хос минглаб жузъий хусусиятлари мавжуд. Тадқиқотчи М.Абузалова [W] ифодаланиш шаклларига кўра, дастлаб икки турга бўлади:

1. От, сифат, сон, олмош туркумига оид сўзларнинг [W] вазифасида келиши.

2. Феълнинг [W] вазифасида келиши [1, 47].

Нутқ босқичида эса кесимнинг от ёки феъл билан ифодаланиш хусусиятлари Ж.Омонтурдиев томонидан ўз вақтида тадқиқ қилинган. У “кесим феъл билан ифодаланса ҳам, от билан ифодаланса ҳам, предикативликни ифодалаш, эга ҳақидаги ҳукмни билдириши” [5, 44]ни айтган. Э.Бенвенист [3, 447] эса феъл предикат билан бирга, от предикат мавжудлигини ҳам эътироф этади. Т.Ақромов лисоний сатҳда от сўз

туркуми кесим вазифасида ҳам келишини ва бунда эганинг белгисини билдиришини таъкидлайди: “Ўзбек тилида ҳам от-кесим, сифат, сон ва равишлардан ифодаланиб, эгадан англашилган шахс, предмет, ҳодисанинг предметлик белгиси, сифат-хусусияти, жинси, ҳолати, сон-миқдори, мавжудлик ўрни, материали ва шу каби хилма-хил белгиларни билдиради” [2, 32].

Кўриниб турибдики, кесимнинг от (аслида, исм) ёки феъл билан ифодаланиш хусусияти нутқ босқичида кенг ўрганилган. Шунингдек, юқорида қисман қолипнинг  $P_m$  қисми ифодаланишига  $[WP_m]$  қолипни йиғиқ гаплар мисолида тўхталинди. Шу сабабли қуйида гап марказини – кесимни – отли ёки феълли каби турларга ажратиб,  $[WP_m]$  нинг  $[W]$  қисми нутқий воқеланиши – ифодаланиш шакллари кўрсатиб ўтилади.

1. Содда йиғиқ гапнинг нутқий воқеланишида  $[W]$  нинг феъл билан ифодаланиши: *Келдинг. Кетгин. Келади. Ўйнасин. Сотиб олдим.*

2. Содда йиғиқ гапнинг нутқий воқеланишида  $[W]$  нинг исм билан ифодаланиши:

а) от билан: *Ўқитувчиман. Шифокордирсиз.*

б) сифат билан: *Чиройлидир. Нодонсан. Тириксан.*

в) сон билан: *Ўнтамиз. Биринчисиз. Қирқдаман.*

г) олмош билан: *Сенсан. Ўзингсан.*

Шунингдек, мазкур вазифада содда сўзлар билан бирга, қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, фраземалар ҳам кела олади ва  $[W]$  нинг акциденцияларини намоён қилади, уларнинг барчаси хусусийлик сифатида бир қатор ўзига хосликларга эга бўлади. Масалан:

$[W]$  вазифасида:

а) қўшма сўзларнинг келиши: *Устабузармонсан. Олиб қочдим. Ишлаб чиқарди.*

б) фраземаларнинг келиши: *Юраги ёрила ёзди. Капалаги учиб кетди. Кўзим тушди. Кўзлари тўрт бўлди* каби.

$[P_m]$  ҳам аввалги бобларда таъкидланганидек, тасдиқ-инкор, замон, майл, шахс-сон кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган яхлитликдир. Бу кўрсаткич

бир бутунлик сифатида умумийлик деб олинадиган бўлса-да, унинг ҳам ўзига хос ифодаланиш шакллари бор. Бу ҳақда юқорида қисман тўхталинди. Бу шаклий турли-туманлик фақат нутқда мавжуд бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам гапнинг синтактик қурилишига таъсир этмайди. М.Абузалова ўзининг номзодлик ишида  $[P_m]$  ни структурасига кўра уч турга бўлади:

1.  $[P_m]$  маъноларининг йиғиқ ифодаланиши:

а) феъл кесимларда: *Ёз. Ёзгин. Борай.*

б) от кесимларда: *Ўқитувчиман.*

2.  $[P_m]$  маъноларининг ёйиқ ифодаланиши:

а) феъл марказли гапларда: *Ёзмасайдингиз.*

б) от марказли гапларда: *Ўқитувчидирман.*

3.  $[P_m]$  маъноларининг тафсиллий (аналитик) ифодаланишига:

а) феъл  $[W]$  ли гапларда: *Ўқиса бўлади. Олган бўлсангиз.*

б) от  $[W]$  ли гапларда: *Баҳор бўлса. Баҳор эди.*

каби мисолларни келтиради [1, 42].

Кўринадиги, ўзбек тилида шаклий ифодаланишига кўра  $[P_m]$  ўта ранг-баранг. Юқоридаги мисолларда айтилганидек, у ноль морфема, морфемаларнинг йиғиқ, ёйиқ кўринишлари ҳамда боғламалар воситаси билан ифодаланиши мумкин. Баъзи ҳолларда бир маъно бўрттирилса, унинг иккинчи маъноси заифлашади [6,72].

Б.Менглиев таъкидлаганидек, масалан, «модаллик маънолари бўрттирилганда, замон маъноси заифлашади ва, аксинча, замон маъноси бўрттирилганда, модаллик, майл маъноси сусаяди. Шунга ўхшаш бошқа грамматик маъноларнинг ифодаланиш даражаси ҳам хилма-хил бўлиши мумкин. Бу маънолар ифодаланиш даражаси қанчалик кучли бўлмасин, у  $[P_m]$  да мутлақ ёки ягона бўлиши, шунингдек, ўта заифлашиб келиши ёки тамоман йўқолган бўлиши ҳам мумкин эмас» [4, 106]. Ҳатто, кесимлик категорияси таркибидаги бирорта маънонинг тамоман йўқолиши натижасида унинг, яъни кесимлик категориясининг ўзи ҳам бутунлай йўқолади ёки бошқа моҳият касб этади.

#### Адабиётлар:

1. Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 1994.
2. Ақромов Т. Ҳозирги ўзбек тилида от-кесим: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1967.
3. Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974.
4. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси: 5A220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналиши бакалаври учун ўқув кўланмаси. – Қарши: Насаф, 2004.
5. Омонтурдиев Ж. Ҳозирги ўзбек тилидаги содда гапларда кесимнинг структура жиҳатдан типлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 1965.
6. Қурбонова М., Сайфуллаева Р., Боқиева Г., Менглиев Б. Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. – Т., 2004. (Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)